



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2008-yil • 12-aprel • Shanba • 48 (27.853) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

Биз Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бутун Марказий Осиё минтақасини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ҳаётий муҳим муаммоларни ечиш учун катта имкониятлар очиб берадиган хавфсизликнинг ҳал қилувчи омили эканини яхши англаймиз.

Ислом КАРИМОВ



ЯНГИ БУРҒУЛАШ МИНОРАЛАРИ БЎЙ ЧЎЗМОҚДА

Мамлакатимизда ёқилғи-энергетика мажмуи инфратузилмасини ривожлантириш, геология-қидирув ишларини олиб бориш, янги конларни қидириб топиш, ҳажмини аниқлаш, ўзлаштириш, шунингдек, бурғулаш миноралари қуриш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишларда шубҳасиз, «Ўзбекнефтегаз» миллий ҳолдинг компаниясига қарашли «Ўзгеобурғуфнефтегаз» акциядорлик компанияси жамоаларининг ҳиссаси

бекиёс.

Жумладан, «Ўзгеобурғуфнефтегаз» акциядорлик компаниясининг «Минора қуриш экспедицияси» очик акциядорлик жамияти биргина ўтган йили саксондан ортиқ бурғулаш миноралари қурди. Жамият қошида бугунги кунда марказий механик таъмирлаш цехи ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда тармоқ техникалари учун турли хил зарур эҳтиёт қисмлар тайёрланади. Муҳими, илгари

хориждан каттагина миқдордаги валютасизга келтириладиган бу эҳтиёт қисмлар эндиликда ўзимизда — Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмоқда.

Суратда: жамият касба уюшмаси кўмитаси раиси Хайрулла Боймуродов «Феруза» бурғулаш майдонида (ўнгда), ишчилар (чапдан) Адҳам Хайитов, Асадулла Рўзиев билан.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.

Муносабат

ҲАҚИҚАТ ЙЎЛИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг шу йил 3 апрель куни Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида сўзлаган нутқида билдирилган таклиф ва ғояларни ҳамюртларимиз қизғин қўллаб-қувватлашмоқда.

Дунёдаги ҳар бир давлатнинг тутган йўли, халқининг турмуш тарзидан келиб чиқиб, унга баҳо берилади. Кейинги ўттиз йил давомида Афғонистон деганда жаҳон аҳли кўз ўнгига хавфхатар, қашшоқлик ҳукм сураётган, охири кўринмайдиган уруш майдониغا айланиб қолган бир ҳудуд келади. Ўзга юртнинг болалари тонгда мусика садоларидан уйғонсалар, афғон гўдаклари эса ўқ товушлари, бомба портлашлари уйғотади.

Бундан 5-6 йил илгари хорижий бир дипломат хизмат юзасидан Афғонистондан қайтаётиб, Термизни зиёрат қилгач, «Во ажаб, бир куннинг ичида икки дунёни кўрдим. Бир куннинг ичида дўзахдан чиқиб, жаннатга тушгандек бўлдим», деган эди. Бу фожиаларда афғон халқининг заррача айби йўқ, албатта. Унинг тақдири, келажаги билан бошқалар уйғашмоқдалар. Бунинг жабрини эса қадимий маърифат, ўлмас шеърят, илму урфон ўчоғи бўлиб келган афғон диёри тортмоқда.

Инсофли дунё аҳлига яхши маълумки, бундан ўн беш йиллар муқаддам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бу бало-қазонинг олди олинмас, бир кун келиб, у инсоният олдида бениҳоя оғир муаммага айланиши мумкинлигини айтиб, дунёни огоҳликка чақирган эди. Афсуски, бу огоҳлик кўнғирогини кўплар эшитсалар-да эшитмаганга олдилар. Афғон фожиаси глобал тус олгач эса, кўзлари очила бошлади. Бугун афғон моҳарисига қандай қилиб барҳам бериш ҳақида қанчадан-қанча муҳокамалар, баҳсу мунозаралар бўлмоқда, энг нуфузли халқаро ташкилотлар минбарларидан турли хил фикрлар баён этиляпти. Лекин, афсуски, бу юртда издан чиққан ҳаётнинг изга тушиши қийин кечмоқда, кон тўкилиши давом этмоқда.

Афғон халқи бошига тушган мусибат кўлами қўшни сифатида ўзбек халқига кўпроқ аён. Халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган мақол бор. Афғон кўши нафақат бизга яқин қўшни, балки тарихан илдизларимиз тутатиб кетган халқларимиз.

Шу боис бу юртда тинчлик ўрнатилишидан ҳаммадан кўра, кўпроқ биз манфаатдормиз, десак асло муволаға бўлмайди. Бу тинчлик икки мамлакат ҳамкорлиги ривожланишига, тараққиётига хизмат қилади. Ўзбекистон Президенти НАТОнинг ҳамкорлик кенгаши саммитида сўзлаган нутқида Афғонистон масаласига мутлақо янгича ёндашиш зарурлигидан келиб чиқиб, бир қатор асосли таклиф ва хулосаларни ўртага ташлади. Ва бундай фикрлар ҳаётийлиги, муаммолар ечимини топишда муҳимлигини дунёнинг кўпгина сиёсатчилари, давлат арбоблари эътироф этишмоқда. Бу Ўзбекистоннинг сўзи, унинг халқаро ҳамжамиятдаги мақоми юксалиб бораётганидан далолат эканини ҳам таъкидлаш лозим.

Давлатимиз раҳбарининг нутқида бугун Афғонистонда тинч ҳаётни, меҳнатни орзу қилаётган одамларни иш билан таъминлаш, уларга инсоний шарт-шароит яратиш йўлида чора-тадбирлар кўриш муаммолар ечимини топишда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида қайд этилгани, айниқса, эътиборга молик.

Ҳаёт синовларидан ўтган бир ҳақиқат бор: яхшиликнинг жавоби фақат яхшилик бўлади. Шу маънода Президентимиз саммит иштирокчилари диққат-эътиборини афғон халқининг халқаро коа-

лиция кучларига нисбатан ишончини қозониш йўлини топиш муҳим вазифалардан эканлигига қаратди.

Афғонлар ўзига хос халқ. Улар доимо озодликнинг қадрига етиб келган. Президентимиз айтганларидек, бу халқни куч ишлатиш йўли билан бўйсундириш асло мумкин эмас. Бу халққа моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш, дини, миллий қадриятларини ҳурмат қилиш кўндан-кўп тугунларнинг ечимига қалит бўла олади.

Юртбошимизнинг «Ҳаётда қарши фақат маърифат билан курашмоқ керак», деган ҳикматли гаплари бор. Кенгаш саммитидаги нутқда бу ғоя яна бир бор олға сурилди. Бой қадим маънавиятга эга афғон юртида тинчлик-осойишталикни энг аввало, эзгулик йўли билан, маърифат йўли билан таъминлаш мумкин деган фикрни ҳар бир соғлом ақл соҳиби қўллаб-қувватлаши аниқ.

Уйлаб қарасак, Ҳиротда туғилиб, шу заминда наълу намо тоған буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳазратлари бундан беш аср муқаддам ушбу қароматли сатрларни беҳиз ёзмаган эканлар:

Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманнинг, Ёр ўлинг бир-бирингизгаки, эрур ёрлинг иш.

Абдулло ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири.

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида азалий қадриятларимизни тиклаш ва кенг тарғиб этишга қаратилган алоҳида эътибор туфайли миллий хунармандчилигимиз тобора ривожланиб бормоқда.

Юртимизнинг турли ҳудудларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, хусусан, Баҳроуддин Нахшбанд, Имом Бухорий, Бурхонуддин Марғиноний сингари улуг аждодларимизнинг ёдгорлик мажмуалари, пойтахтимиздаги Ҳазрати имом масжиди сингари бетакор обидаларни барпо этишда қўли гул уста ва хунармандларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Андижон вилоятининг Избоскан тумани Қўғай қишлоғида яшовчи ёғоч ўймаkori Йўлбарс Ўтаганов ота-боболар касбини ардоқлаб, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ана шундай моҳир усталардан. У ўзининг ҳалол меҳнати, шарафли касби туфайли эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонди.

Й.Ўтагановнинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У 1999 йили Президентимиз Фармонига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» унвонига сазовор бўлди. Бу юксак эътироф устанинг кучига, ғайратига ғайрат қўшди. Айни пайтда у ёғоч ўймакорлиги касбини фар-

зандлари ва шогирдларига ўргатмоқда.

Устанинг ўғли Умидилло Ўтаганов ҳам ота изидан бориб, ёғоч ўймакорлиги сирларини пухта эгаллади. Унинг қўлида сайқал тоғлан нақшинкор эшик ва деразалар, ёғоч устунлар бугун юртимиздаги кўпбал биноларни безаб турибди.

Умидилло бутун маҳорати ва меҳрини, иқтидорини ишга солиб, Президентимизга атаб миллий анъаналар асосида ёғоч курси ва стол ясади. Ёш хунарманднинг отаси Й.Ўтагановнинг шу муносабат билан Юртбошимизга йўллаган мактубида бундай сўзлар битилган: «Сизнинг вилоятимизга ҳар бир ташрифингиз Андижон ва андижонликларга бўлган алоҳида ҳурмат ва эҳтиромингизни яққол кўрсатади. Юксак эътибор ва ғам-ҳўрлигингиз, қимматли маслаҳат ва тавсияларингиздан барчамизнинг бошимиз кўкка етади. Энг оғир дамларда ҳам

андижонликлар ёнида бўлиб, далда берганингиз, йўл кўрсатганингиз ҳар биримизнинг қалбимизда абадий муҳрланиб қолган. Буни андижонликлар сира унутмайди».

Президентимиз ота-ўғил усталарнинг ҳурмат-эҳтиромига жавобан миннатдорлик ифодаси сифатида эсдалик совғалари жўнатди.

Юртбошимиз туҳфаси 11 апрель куни ота-ўғил хунармандларга топширилди. — Бугун ҳаётимдаги энг унутилмас кун бўлди, — дейди ёш уста Умидилло Ўтаганов. — Юртбошимизнинг бундай эътибор ва ғам-ҳўрлигини нафақат бизга, балки бутун андижонлик хунармандларга бўлган эҳтиром рамзи деб тушунамиз. Ёшлар йилида тенгдошларим қатори мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиш ниятидаман.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими А.Усмонов иштирок этди.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири

ҲАЁТ ЙЎЛИДА БИРИНЧИ МАСАЛА — МАКТАБ МАСАЛАСИДИР



Наманган шаҳридаги 57-умумтаълим мактаби вилоятда энг намунали илм масканларидан ҳисобланади. Бу ерда 1 минг 300 нафар ўқувчи таълим олмақда. Шинам ва замонавий синф хоналарда дарслар қизиқарли, мазмунли ўтказилмоқда. Ўқувчи-ёшларнинг дарсдан бўш вақтлари ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Турли хил тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу илм дароҳини тугатган ёшларнинг кўплари олий ўқув юртиларини тугатиб, турли соҳаларда меҳнат қилишмоқда.

Суратда: инглиз тили ўқитувчиси Дурдона Инамова. **Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.**

ЎЗХДП: устувор вазифалар

ИШОНЧ АМАЛИЙ ИШ БИЛАН

Навоий вилоят партия кенгашининг пленумида демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида электротар билан ишлашни кучайтириш, мафкуравий ишлар самардорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Партия кенгаши раиси Шерали Умаров ЎЗХДП Навоий вилоят кенгаши ижроия кўмитасининг 2007 йилдаги фаолияти ва жорий йилдаги устувор вазифаларга бағишланган маърузасида ташкилотларнинг ўтган йил давомида олиб борган ишларини таҳлил қилди. Жумладан, бошланғич ташкилотлар фаолияти асосан, электротар билан ишлашга қаратилди. Тарғибот-ташвиқот анча жонланди, вилоят партия кенгаши муассислигида «Халқ ишончи» газетаси чоп этила бошланди. Шу билан бирга пленумда партия сафларини ёшлар ҳисобига ўстириш, сиёсий ва фуқаролик

маърифати семинарларини ўтказиш, ёшлар ва хотин-қизлар билан амалий ишларни олиб боришда айрим туман партия кенгашлари сусткашликка йўл қўяётгани қайд этилди.

Музокараларда сўзга чиққан «Халқ ишончи» газетаси бош муҳаррири И.Жумаев партия ташкилотлари олиб бораётган ишлардан электротарни янада кенгроқ бохабар этиш, партия ғояларини изчил тарғиб этишда ОАВ кучидан самарали фойдаланиш, вилоят таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси раиси Х.Фахриддинов партия тузилмаларининг ижтимоий ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда иш олиб бориш, Қизилтепа туман ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Каримова электротар билан ишлашнинг энг муҳим воситаларидан бири — маҳаллалар билан ҳамкорликни кучайтириш ҳақида тўхталиб, ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

— Партиянинг дастурий

ғояларини амалга ошириш, электротар манфаатини ҳимоя қилишда маҳаллий Кенгашлардаги ЎЗХДП депутатларининг ўрнини бошқа воситалар билан таққослаб бўлмайди, — дейди Зарафшон шаҳар партия кенгаши раиси Б.Қосимов. — Ҳўш, бугунги кунда партия депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари қандай фаолият олиб бораёпти, бу қанчалик ўз самарасини бераёпти ва бу борада яна қандай ишларни қилиш зарур? Бугун ушбу саволларни атрофлича муҳокама қилдик, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Тадбирда вилоят партия ташкилоти фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, партия туман, шаҳар кенгашлари раислари, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Пленумда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ
деятар таъкидлашмоқда ёшлар

2

ХУСАН ЭШМУРОД БОҒИ
ҳар йили гуллаб, ҳосилга қираверади
Ўзининг муштдеккина юрагига тоғлардек улкан муҳаббатни, соғинчи сиғдира олган руҳият куйчиси, кўнгил шоири, элининг сукули фарзанди Хусан Эшмурод бир пайтлар Деҳқонobodда экан ниҳоллар бугун ҳосилга кирди.

4

Бошлангич партия ташкилотларида

Хайрли ташаббус

кўпчиликти мамнун этди

Учкўприк туманидаги 94-автокорхона жамоаси асосан юк ташиш, аҳоли ва корхоналарга турли бошқа хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади. Корхонанинг иқтисодий аҳоли анча яхши. Чунинчи, ўтган йили асосан юк ташишдан 361 миллион сўмдан кўпроқ даромад олинди. Йигирма нафардан ортиқ одам ишлайдиган жамоа учун бу яхши кўрсаткич дейиш мумкин. Бу ерда ишни ташкил этиш, кўрсатиладиган

хизмат сифатини яхшилаш, ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳам диққатга сазовор натижаларга эришилмоқда. Албатта, иш жараёнини замонавий асосда ташкил этиш муваффақият келтирараяпти. Масалан, автокорхона юк машиналари вилоятда биринчи бўлиб сикланган газ билан ишлашга тўлиқ ўтган. Бу эса машиналарнинг беватҳот, айни пайтда кам чиқим билан ишлашга таъминлаётган, хара-

жатлар камайиб, даромадлар ошиб бормоқда.

Тумандаги «Зафар» футбол жамоаси Ўзбекистон биринчилигининг II лигасида қатнашади. Ўтган йили автокорхона бу жамоага анчагина моддий ёрдам берди. Ўқувчиларнинг ёзги дам олиш мавсумида эса 1 миллион сўмликдан ортиқ бепул хизмат кўрсатди.

Корхонадаги ХДП бошлангич ташкилоти атрофида 10 нафар ишчи-ходим бирлашган.

— Партиямиз аъзолари корхона ишлаб чиқариши, аҳолига хизмат кўрсатишда фаол иштирок этиш билан бирга сиёсий-маданий тадбирларда ҳам ташаббус кўрсатишмоқда, — дейди ХДП бошлангич партия ташкилоти раиси Баҳодир Мамажонов. — 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Партия аъзолари кўп фарзандларимизнинг олис қишлоқлардан туман марказига, қўшни Бувайда туманидаги коллеж ва лицейларга қатнашлари ва бу борадаги муаммолар ҳақида гапириб, ўқувчиларга ёрдам кўрсатиш фикрини билдирдилар.

Партия ташкилоти ташаббусни қўлга олиб, маъмури-

ятга шу таклиф билан чиқди. Маъмурият ва жамоа қўшма йиғилишида таклиф маъқулланди. Натижада туман ичидаги маршрутларда ўқувчиларни ташиш учун махсус автобус ажратилди. Қўшни Бувайда туманига қатнаш учун 2 та автобус қатнови йўлга қўйилди. Уларда ўқувчиларга имтиёз белгиланди. Улар йўлқиранинг бир қисмини тўлайдилар, холос.

94-автокорхона бошлангич партия ташкилотининг Ёшлар йилидаги ташаббуси ХДП Учкўприк туман кенгаши томонидан маъқулланди ва бошқаларга намуна сифатида таклиф этилди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Партия Жиззах вилоят кенгаши «Истикбол» ёшлар қаноти ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали билан ҳамкорликда «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Сўзга чиққанлар Ёшлар йилида партия ташкилотларининг вазифалари, ёшлар орасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда ижтимоий ҳамкор жамоат ташкилотлар билан ишлаш, ёшларда фуқаролик фазилатларини шакллантириш борасида фикрлар билдирдилар, таклифлар айтдилар.

Хонқа туман партия кенгаши Намуна қишлоғидаги 45-мактабда ёш ўқувчилар иштирокида «Ёшлик — умр баҳори» мавзусида давра суҳбати уюштирди. Унда давлатимизда амалга оширилаётган ёшлар сиёсати, Ёшлар йилининг мазмун-моҳияти ундан қўзланган асосий мақсад ва вазифалар ҳақида фикр юритилди.

— Хабарингиз бор, таълим тизимида Маънавият кунлари тез-тез ўтказилиб турилади. Бу эса ёшлар билан кўпроқ жонли мулоқотда бўлиб, уларнинг орзу-умидлари, интилиш ва қизиқишлари, ўйлантираётган муаммолар билан ўртоқлашишда жуда муҳим, — дейди мактаб директори И.Қобулов.

ЎзХДП Миришкор туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда партия ташкилотининг иштироки масаласи муҳокама қилинди.

Пленумда ташкилий масала қўрилди. Азамат Ҳамроев Ўзбекистон ХДП Миришкор туман кенгаши раиси этиб сайланди.

Самарқанд вилоят кенгаши ва Халқаро Амир Темур жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида «Амир Темур ўғитларининг ёшларни тарбиялашдаги аҳамияти» мавзусида вилоят ёшлари вакиллари иштирокида илмий-амалий конференция ташкил этилди. Анжуманда Соҳибқирон ҳаёти, босиб ўтган йўли, қолдирган ибратли амалларининг бугунги авлод тарбиясида тутган ўрни ҳақида сўз юритилди.

Тарих фанлари доктори, профессор Шакар Аҳмадов, тарих фанлари номзоди Амриддин Бердимуродов, ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Камолбой Исобеков ва бошқа сўзга чиққанлар мавзунинг турли қирраларини очиб бердилар.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати



НАТИЖАЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНМАЙДИ



Зимбабве сайлов комиссияси 29 март куни бўлиб ўтган президентлик сайлови натижаларини Олий суд қарори чиқмагунча эълон қилмайди, деб хабар беради Рейтер.

Эслатиб ўтамиз, Зимбабведа парламент сайлови билан биргаликда президентлик сайлови ҳам бўлиб ўтди. Президентлик лавозимига амалдаги президент Роберт Мугабедан ташқари собиқ молия вазири Симба Макони ва мухолифат партия раҳбари Морган Цвангирай номзодлари қўйилганди. Мухолифатнинг фикрича, сайловнинг биринчи босқичида Морган Цвангирай ғалаба қозонган. Амалдаги партия эса Морганнинг ғалабасини инкор этиб, иккинчи босқич сайловини ўтказишни талаб қилмоқда. Расмий маълумотларга қараганда, парламент сайловларида мухолифат ғолиб бўлган.

РЕЗОЛЮЦИЯГА ЗИД

Сербия ҳукумати Косовонинг маҳаллий бошқарув органларига сайлов ўтказишга ҳаққи йўқ, деди БМТнинг фуқаролик миссияси раҳбари Йохим Рюкер. Бунга сабаб, сайловнинг БМТ Хавфсизлик Кенгаши 1244-сонли резолюциясига зид келишидир. Эслатиб ўтамиз, 17 февраль куни ўзи-

ни Сербиядан мустақил деб эълон қилган Косово ҳукуматини сербияликлар тан олгани йўқ.

РИА Новостининг хабарига кўра, 11 май куни Сербия парламентига сайлов бўлиб ўтди. Худди шу куни Сербия сайлов комиссияси ўз-ўзини бошқариш органларига сайлов ўтказилишини эълон қилди.

ТОВУШ КИТЛАРНИ ХАЛОК ҚИЛДИ

Сувошти қайиқларини топувчи эхолокаторлар Гебрид ороллари яқинида ҳалок бўлган бир қанча китларнинг ўлимига сабабчи, деб хабар беради Independent. Зоологлар хулосасига кўра, Шотландия қирғоғидан топишган бешта китнинг ўлимига ҳарбий эхолокаторнинг тарқатган товуши сабаб бўлган. Товушга таъсирчан жониворлар ем қидираётиб шу товушлар тарқалаётган ҳудудга кириб қолган ва кессон касаллигидан ҳалок бўлган. Эслатиб ўтамиз, 2000 йил Багама ороллари, 1996 йил Грецияда юз берган китларнинг оммавий ўлимида ҳам эхолокаторларни айблаган.



ҚУЁШ ЕРНИ ҚИЗДИРМАЙДИ



Олимлар қуёш ер ҳарорати кўтарилишига таъсир кўрсатмаслигини аниқлади, деб хабар беради РИА Новости. Ланкастер университети олимлари ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, космик нурлар ва атмосфера тебранишлари ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ.

Натижада улар даниялик олим Хенрик Свенсмаркнинг космик нурларнинг иқлимга таъсири назариясини шубҳа остига олди. Олимнинг фикрича, космик нурлар фаолияти тўғридан-тўғри қуёш билан боғлиқ. Қуёш қанчалик қаттиқ қиздирса, бу нурлар ҳам шунча кучли бўлади. Бу эса олимнинг фикрича, ернинг исизиға олиб келиши керак. Агар янги тахмин тасдиқланса, глобал исинишнинг бирдан-бир сабаби инсон фаолияти, антропоген, парник газ экани аён бўлади.

ТАЖРИБАДАН ЎТДИ



Boeing компанияси 2008 йил бошида ўзининг биринчи водород ёқилғиси билан ишлайдиган самолётни тажрибадан ўтказди, деб хабар беради AP. Компаниянинг технологиялар бўйича муҳандиси Жон Трейсининг фикрича, компания учун бу тажриба тарихий аҳамиятга эга. Самолёт тепага қараб 20 дақиқа давомиде уча олган. Эслатиб ўтамиз, 2007 йил охирида компания водородда ишлайдиган тўрт цилиндрли двигателнинг тажрибадан муваффақиятли ўтганини маълум қилганди. Мутахассислар двигателни учувчисиз бошқариладиган жосус самолётга ўрнатишни режалаштирган. Самолёт 20 километр баландликда 910 кг. оғирлик билан уча олади.

ЎзХДП ҳаёти

БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ

дея таъкидлашмоқда ёшлар

Жаркўрғон туманида 150 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Унинг 60 фоизидан ортиғи ёшлар. Келгуси авлоднинг баркамол бўлиб вояга етказиш ишларига Халқ демократик партияси туман кенгаши муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, «Истикбол» ёшлар қаноти томонидан ҳам кўпгина тадбирлар ташкил этилаётган. Кун кеча туман кенгаши ташаббуси билан Қақайди транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежиде «Ёшлар — Ўзбекистонимиз келажаги» мавзусида туман ёшларининг форуми ўтказилди. Унда

хукук-тартибот идоралари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари ҳам иштирок этишди.

— Президентимиз томонидан 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши, келахат авлод баркамоллиги йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди, — дейди туман партия кенгаши раиси Алишер Маматмуродов. Мустақил юртнинг эртаси бугунги фарзандларимизнинг ҳар томонлама кучли, иродали, оқил бўлиб вояга етишига бевосита боғлиқ.

Форум доирасида дастлаб, миллий куй-қўшиқлардан иборат концерт дастури намойиш этилди. Ёшлар иштирокидаги ҳар бир чиқиш ўзига хослиги билан йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Туман партия кенгаши қошида «Хакберди ҳожи Норбой ўғли» кураш клуби ташкил этилганди. Ўтган йиллар давомида мазкур клубдан кўпball спортчи йигит-қизлар

етишиб чиқди. Бугунга келиб улар нафақат туман ва вилоят, балки мамлакатимиз шарафини ҳам муносиб ҳимоя қилмоқда. Ҳозирда мазкур масканда юз нафардан ортиқ йигит-қиз спорт билан мунтазам шуғулланади.

Форум давомида клубнинг курашчи ва гимнастикачи қизлари ўз кўргазмали чиқишларини намойиш этишди.

— Бугунги ўтаётган Форум менда катта таассурот қолдирди, — дейди коллеж талабаси Парда Маматқулов. — Партия кенгаши томонидан аълочи ўқувчиларга совғалар берилди. Бундан кейин янада аъло ўқишга, танлаган касбим бўйича етук мутахассис бўлиб, Ватанимнинг порлоқ келажаги йўлида меҳнат қилишга ваъда бераман. Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам.

Бир гуруҳ ёш спортчилар кенгашининг эсдалик ва қимматбаҳо совғаларини қўлга киритган бўлса, 12 нафар йи-



гит-қиз партия сафига қабул қилинди. Энди биз ҳам сиёсий куч сафидамиз. Бу келгусидаги ўз сиёсий қарашларини амалга оширишнинг бошланғичидир, дея таъкидлашди улар.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз воҳада юзага келган муаммо ва камчиликлар ҳақида кўниб гапирдилар. Уларни бар-тариф этишда биз ёшлар ҳам

ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим деб ўйлаймиз. Зеро, шу Ватан, Мустақил Ўзбекистон барчамиз учун мўтабар она заминдир.

— ХДП Жаркўрғон туман кенгаши ташаббусини қўллаб-қувватламоқ даркор, — дейди вилоят прокурори Дилмурод Абдурахмонов. — Келажада бошқа туманларда ҳам шундай тадбирларни ўтказишни режалаштирганимиз. Бундай тарғибот ва ташвиқот ишлари айрим ёшларнинг турли

оқимлар таъсиридан асрашда муҳим ўрин тутди. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, партиянинг жонқуярлари ҳар йили шундай учрашув, мулоқот ҳамда давра суҳбатларини мунтазам ўтказиб келмоқда. Ҳамкорлик эса келгусидаги ишларимизнинг самарасини таъминлайди.

— Дарҳақиқат, туман партия кенгаши томонидан олиб борилаётган хайрли ва эзгу ишлардан миннатдоримиз, — суҳбатни давом эттиради «Истиклол» маҳалласида истиқомат қилувчи Нурбой Тўраев. — Ўғлим Азаматжон тўсатдан юрولмай қолганди. ...Касалчилик ёмон бўларкан. Охири туман кенгашининг Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилдим. Партия фаолларининг елиб-югуриши, ҳомийлар кўмаги билан ўғлимга ёрдам кўрсатилди. У соғайиб кетди...

Форум сўнггида қатнашчиларнинг вилоят ёшларига хукукбўзарлик, жиноятчилик ва диний экстремизмнинг олдини олиш юзасидан мурожаати қабул қилинди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири



БОЖХОНА БЕКАТИ

ХУЖЖАТСИЗ ТОВУҚ ГЎШТЛАРИ

Божхона ходимлари сифати кафолатланмаган маҳсулотларнинг республикамизга ноқонуний равишда олиб кирилишининг олдини олиш борасида қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Яқинда Самарқанд вилояти божхона бошқармаси ходимлари «Тошкент — Бухоро» йўналишида ҳаракатланаётган «Мерседес-Бенц» русумли автобусни тўхтатиб текширишганда, автобусга божхона расмийлаштиришдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган, қиймати 43,5 миллион сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган 15 тонна музлатилган говуқ гўшти юкланганлиги ва юк эгаси фуқаро Ф.Ҳуломов эканлиги маълум бўлди.

Тошкент вилоятидаги «Ойбек» божхона пости ходимлари қўшни республика билан чегарадош ҳудуддаги айланма йўлда «Газ 24» русумли автошинани тўхтатиб текши-

ришганда, унда фуқаро А.Искандаров қиймати 1 650 000 сўмлик, хорижда ишлаб чиқарилган, вази ярим тоннадан ортиқ говуқ гўшти маҳсулотларини республикамизга ноқонуний равишда олиб кираётганлиги аниқланди.

Андижон вилояти Пахтабод тумани ҳудудидаги айланма йўлда фуқаро Ф.Ҳозиевнинг юклари божхона ходимлари томонидан назорат қилинганда у қиймати 1 миллион сўмлик, хорижда ишлаб чиқарилган 450 килограмм говуқ гўшти маҳсулотларини юртимизга қонунга зид равишда олиб кирган экан.

СОХТА ТАДБИРКОРЛАР

Андижон вилояти божхона бошқармаси ходимлари Ҳўжабод тумани ҳудудида ҳаракатланаётган «ВАЗ-2106» русумли автомашинани тўхтатиб текширишганда, унда фуқаро И.Эргашев қиймати қариб 1,5 миллион сўмлик хорижда ишлаб чиқа-

рилган қийим-кечакларни қўшни республикадан сотиб олиб, юртимизга айланма йўллар орқали олиб кирганлиги аниқланди.

Тошкент вилоятидаги «Ғишт-кўприк» божхона мажмуаси ходимлари бошқа хукукни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари билан ҳамкорликда Тошкент тумани ҳудудида жойлашган 3.Расуловнинг хонадониде қонунчиликда белгиланган тартибда текшириш ўтказишганда, ушбу хонадонда юк автомашиналари ва қишлоқ хўжалиги техникалари учун мўлжалланган, қиймати 10 миллион сўмлик, хорижда ишлаб чиқарилган 3980 донна тасмалар борлиги ва улар қўшни республикадан ноқонуний равишда олиб кирилиб, йиғиб қўйилганлиги ошкор бўлди.

«Мерседес Бенц» русумли автобус йўловчиси фуқаро О.Хатамов божхона расмийлаштиришдан ўтказилганини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, қиймати қариб 6,5 миллион сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган 1704 хуфт ўсимирлар пойабзалларини олиб кетаётганда

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан тўхтатиб қилинди. Маълум бўлишича, бу пойабзаллар илгари қўшни республикадан айланма йўллар орқали юртимизга олиб кирилган экан.

УЧАРЛАР

Божхона ходимлари юртимиз сарҳадларидан нақд хорижий ва миллий валютани ноқонуний равишда олиб ўтилишига қарши қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Фуқаро Ю.Вахабов 1600 АҚШ доллари ва 1000 Россия рублини божхона баённомасида кўрсатмасдан юртимизга олиб кираётганда унинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини Тошкент вилоятидаги «Ғишт-кўприк» божхона мажмуаси ходимлари тўхтатишди. Ушбу божхона мажмуаси ходимларининг ҳушёрлиги натижасида фуқаро О.Қаршиеванинг найранги иш бермай қолди. У 802 АҚШ долларини соҳ тўнагичи ичига устамонлик билан яшириб, юртимизга кириб келаётган экан.

Тошкент халқаро аэропорти божхоначилари «Тошкент — Оренбург» йўналиши бўйича ўқиб кетаётган фуқаро Н.Абдуллаевни божхона назор-

ратидан ўтказишганда ушбу шахс 5 минг АҚШ долларини ноқонуний равишда юртимиздан олиб чиқмоқчи бўлганлиги аниқланди.

«Тошкент — Истамбул» йўналиши бўйича ўқиб кетаётган туркиялик Б.Мустафа ҳам 2400 АҚШ долларини божхона баённомасида кўрсатиб ўтишни «унутган экан».

МЕТАЛЛУРУШЛАР

Божхона ходимлари юртимиз ҳудудидан рангли ва қора металлларнинг ноқонуний равишда олиб чиқилишини олдини олишга ҳам жиддий эътибор беришмоқда.

«Камаз-5320» русумли юк автомашинасига юкланган оғирлиги 17,5 тонна бўлган қора металл парчаларини фуқаро Д.Нуров қўшни республикага олиб чиқиб кетаётганда Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари унинг режасини чиппакка чиқаришди.

3.Ахматов эса 3 тоннадан зиёд қора металл парчаларини «Зил» русумли юк машинасига юклаб, республика ташқарисига олиб чиқиб кетаётганда тўхтатилди.

Давлат божхона кўмитаси
матбуот хизмати

Яқинда тахририятида «Пахта банк» матбуот хизмати вакиллари иштирокида банк фаолиятининг дунёвий эътирофи, унинг мамлакатимиз иқтисодий таянчи — фермерларга кўрсатаётган юксак молиявий хизмат турлари ва уларга берилаётган миллий ҳамда хорижий валютадаги кредитлари кўлами, шунингдек, бу ерда жорий этилаётган ипотeka ва истеъмол кредитларининг янги-янги йўналишлари ҳақида мулоқот бўлди.

Айни чоғда мулоқотда бугунги кунда мамлакатимиз аҳолиси даромадининг тобора мўмайгина манбаига айланиб бораётган омонат турлари ва пластик карточкалар самараси ҳамда республикамиз қимматли қўғозлари бозорининг энг фаол иштирокчиси бўлиб улгурган «Пахта банк»нинг истиқбол режалари ҳақида ҳам сўз борди.

Куйида ана шу мулоқот тафсилотлари билан танишасиз.

— Тарихдан маълум, ҳамма замонларда, барча юртларда ҳам банк ва молия институтлари тизими иқтисодийнинг қон томири сифатида давлатнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга, халқ турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилиб келган. Ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам бу жараён давом этаверади. Зеро, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбарининг бевоисита раҳнамолигида банк ва молия тизимини жаҳон андазалари талаблари даражасида такомиллаштириб боришга ҳидий эътибор берилган бежиз эмас.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, ўтган 2007 йил мамлакат иқтисодийнинг барча соҳаларида амалга оширилган таркибий-ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ислохотлари янада жадаллаштириш ва чуқурлаштириш йили бўлди. Жумладан, яқунланган йил республиканинг энг йирик акциядорлик-тижорат банкларида бири бўлган «Пахта банк» фаолиятида ҳам катта из қолдирди.

Мамлакат Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ва «Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг иқтисодий модернизация қилиш ва инвестициявий жараёнлардаги иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига жавобан «Пахта банк» ўзининг таркибий-ташкилий тузилмасини такомиллаштириб, иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлади.

Бугунги кунда банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги 13 та минтақавий бошқармалари ва уларнинг таркибига кирувчи 186 та филиал, 703 та минибанк, 134 та махсус кассалари мижозларга кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кўпайтириб, кўламини кенгайтириб, сифат жиҳатидан такомиллаштириб бормоқда.

Банкнинг 2007 йилдаги фаолияти яқунлари ҳақида сўз юритилганда, унинг обрў ва нуфузи халқаро миқёсда ҳам кескин ошганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Чунинчи, «Пахта банк» 2007 йилда мамлакатнинг тижорат банклари орасида биринчи бўлиб Fitch Ratings халқаро рейтинг компаниясининг «Барқарор» тоифасидаги тўлиқ рейтингини олишга муваффақ бўлди. Шу билан бирга жаҳонга машҳур «The Banker» журнали ҳар йили ўтказиладиган аъёнаний танловда ғолиб чиқиб, Ўзбекистоннинг энг яхши банки сифатида эътироф этилди ва «Йил банки — 2007» сертификатига сазовор бўлди.

Эришилган бу ютуқлар замирида банк раҳбарининг, малакали мутахассислар ҳамда бутун жамоа аъзоларининг самарали меҳнати ётибди. Улар асосий эътиборни банкнинг ташкилий тузилмаси ва стратегиясини жаҳон андазалари даражасига кўтариш орқали молиявий барқарорлигини таъминлаш, аҳоли ҳамда кенг жамоатчиликнинг банкга бўлган юксак ишончини янада оширишга қаратмоқда. Ҳозирги кунда «Пахта банк» турли соҳаларда фаолият юритаётган барча мулк шаклидаги 201 мингдан зиёд юридик ва 277 мингдан кўпроқ жисмоний шахслардан иборат мижозларга мукамал банк хизмати кўрсатишда.

Ўтган йили банк иқтисодиёт тармоқларига 795,4 миллиард сўм кредит ажратди. Бу 2006 йилдагига нисбатан қарийб 29,5 фоиз кўпдир. Жами кредит маблағларининг 463,7 миллиард сўми ёки 58,3 фоизи қишлоқ ҳўжалик корхоналари, 117,7 миллиард сўми моддий-техник таъминот соҳаларига йўналтирилди.

Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, давлатимиз раҳбари ва республика ҳукуматининг қишлоқ ҳўжалигини тубдан ислох қилишни янада жадаллаштириш ва чуқурлаштиришга қаратилган қатор Фармон ва қарорлари ижросига амалий ҳисса қўлиш, аҳоли эҳтиёжи учун муҳим бўлган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш, тизимда шўс жўритаётган қишлоқ ҳўжалик корхоналарини узок муддатли кредитлар бериш орқали қўллаб-қувватлаш «Пахта банк»нинг 2007 йилги фаолиятида асосий устувор йўналиш бўлди.

— Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини ислох қилиш муваффақиятли давом эттириляпти. Ер ўз эгасини топиб, фермерлар қўлига ўтди. Уларни молиявий қўллаб-қувватлаш жараёни қандай бормоқда?

— Мамлакат қишлоқ ҳўжалигини тубдан ислох қилишнинг муҳим устувор йўналишларидан бири — тармоқнинг таркибий-ташкилий тузилмасини бозор иқтисодиёти муносабатлари асосида қайта қуриш вазифаси муваффақиятли якунланди. Жамоат мулки шаклидаги ширкат ҳўжаликлари аста-секин, босқимча-босқич тугатилиб, улар ўрнида юридик мақомга эга бўлган мустақил фермер ҳўжаликлари шаклланди. Қишлоқ ҳўжалиги тасарруфдаги барча экин майдонлари ҳақиқий эгалари, яъни фермерлар

Маълумки, мустақилликка эришилиб, ҳамма соҳаларда тўб ислохот бошланиб кетган кезларда қишлоқ мулкдорлиги макони олиб, илк қадам ташлаган фермерларга «ислохот қалдирғочлари» дея таъриф берилган эди. Мана, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, улар қишлоқ ҳўжалик тармоқининг залворли юқини ўз елкасига олган етакчи қўлга айландилар. Шу боис давлатимиз раҳбари ҳамда республика ҳўкумати фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, кенг имконият ва имтиёзлар яратиб бормоқда. Ўтган йили ташкил этилган «Agromintech Expo-2007» кўргазма-савдо ҳам шу мақсадга қаратилган эди. Бу муҳим тадбир қўтилганидан ҳам зиёд самаралар берди.

«Пахта банк» мижозлари бўлган қўллаб-фермерлар ушбу кўргазма-савдода фаол иштирок этиб, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш минитехнологияларини олиб қилиш юзасидан шартномалар имзоладилар. Аммо бу шартномаларни банкнинг молиявий кўмагисиз амалга ошириш қийин, албатта. Шунинг учун «Пахта банк» мутахассислари ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг вакилларида иборат ишчи гуруҳи юқоридаги лойиҳаларни ўрганиб чиқди ва молиялаш учун лаёқатли деб топилганлари маблағ билан таъминланди. Янада аниқ қилиб айтадиган бўлса, ҳозирги қўнғача кўргазма-савдо жараёнида фермер ҳўжаликлари томонидан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш (мева-сабзавотларни қуришти ва қадоқлаш, сутни қайта ишлаш ва ҳоказо) мақсадида ишлаб чиқилган 99 та лойиҳани молиялаштиришга 672,4 млн. сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

дида йил давомида жами 2 млн. 979 минг АҚШ доллари, жумладан, Осиё тараққиёт банкнинг «Дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш» лойиҳаси бўйича 1 млн. 974 минг ва «Аму-Занг машина канали тизимини тиклаш» лойиҳаси бўйича 1 млн. 5 минг АҚШ доллари микдоридagi маблағларни ўзлаштиришни режалаштирмоқда.

«Uzbekistan Agromintech Expo-2007» иккинчи халқаро иқтисослаштирилган кўргазма-савдо жараёнида тузилган шартномалар асосида замонавий минитехнологиялар ва асбоб-ускуналар харид қилиш мақсадида режа қиймати 527,5 млн. сўмлик 30 та лойиҳа бўйича ташаббускорлар билан шартномалар имзоланди. Банк ажратган кредитлар ҳисобига янги, замонавий ускуналар ўрнатилиб, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, 180 та янги иш ўринларини очишга, натижада маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт салмоғини оширишга эришилди.

— «Пахта банк» томонидан иқтисодиётнинг реал секторини, хусусан кичик бизнесни молиялаштириш қандай натижа берапти?

— Халқ ҳўжалигининг, бейстисно, барча тармоқларида ишлаб чиқаришни кенг қўламда ва жадал ривожлантириш, иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва янада мустаҳкамлаш, халқ турмуш фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳал қилувчи асосий қўч эканлиги кейинги йилларда изчил тараққиёт йўлидан бораётган қатор мамлакатлар мисолида яққол намоён бўлди. Зеро, бизнинг мамлакатда ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ушбу соҳаларда фаолият бошлашга ҳазм этганларни ҳар

ўсди. Банк кредитлари ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 20 млрд. 990 млн. сўмга кўпайди.

«Пахта банк» Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида қўнғач молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросига катта ҳисса қўлиб келмоқда. Ўтган йили банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 9 млрд.

874 млн. сўм, бюджетдан ташқари жағғармалар маблағлари ҳисобидан 3 млрд. 562 млн. сўм, жами 13 млрд. 436 млн. сўм кредит ажратилиб, белгиланган кўрсаткич 46 фоиз ортиги билан бажарилди.

Эътироф этиш керакики, кичик бизнес корхоналари ўз ишлаб чиқаришларини жадал ривожлантириб ва такомиллаштириб, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва қўнғайтиришга катта ҳисса қўшилиши мўмкин. Шунинг учун ҳисобга олиб, «Пахта банк» кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини халқаро молия институтлари кредит йўналишлари ҳисобидан маблағ билан таъминлаш ҳамда уларнинг импорт ўрини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларини молиялаштиришни янада қўнғайтирди. Масалан, Германиянинг ҚФБ банки кредит йўналишининг 4,2 млн. евро микдоридagi маблағи тўлиқ ўзлаштирилиб, 6 та лойиҳа, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки кредит йўналишининг 11,8 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилиб,



ги филиаллари томонидан ҳисобот йилида режада белгиланган 16,2 миллиард сўм ўнғига амалда 20 миллиард сўмдан зиёд истеъмол кредити берилди.

Президент қарори билан тасдиқланган «Иқтимоий ҳўмия йили» давлат Дастури доирасида ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 2007 йил август-декабрь ойларида 6 миллиард 84 миллион сўм кредит ажратилиб, белгиланган режа 25 фоиз ортиги билан бажарилди. Аҳолининг шинам уй-жўйларга бўлган талаб-эҳтиёжларини мўмкин қадар тўлароқ таъминлашни қўллаб, 102 нафар қарз олувчида 2 миллиард 142,2 миллион сўм кредит ажратилди.

Шу жумладан, республика Адлия вазирлигида рўйхатга олинган ва Марказий банк бошқаруви қарори билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ 47 та ёш оилага 1 миллиард 85,5 миллион сўм кредит берилди.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадларида 2007 йил давомида 4 миллиард 125 миллион сўм микдорда микрокредитлар ажратиш режалаштирилган эди. Амалда эса, 5 миллиард 562,9 миллион сўм берилиб, режа қарийб 135 фоиз қилиб бажарилди.

2007 йил «Иқтимоий ҳўмия йили» бўлганлиги муносабати билан аҳолининг муайян қатламлари учун имтиёзли пластик карточкалар мўмалага чиқарилди. Бунда ёш оилалар ва талабалар учун алоҳида пластик карточкалар чиқарилиб, уларда қўшимча имтиёзлар назарда тутилди.

2008 йилда пластик карточкалар билан ишловчи DUET ва NCI дастурларини бири-бирига боғлаш дастурини барча филиалларда татбиқ этиш, DUET дастурида бўлган барча операцияларни инсон иштирокисиз автомат тарзда NCI дастурига бериш режалаштирилган. Бундан ташқари, терминаллар орқали нақд пулсиз операцияларни 30 фоизга, пластик карточкаларга ўтказиладиган маблағларни 50 фоизга кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

— Банкнинг қимматли қўғозлар бозоридagi ўрни қандай?

— «Пахта банк» республика қимматли қўғозлар бозорида ўзига мос ўрин ва нуфузга эга. Ушбу бозор шакллана бошлаган дастлабки даврлардаёқ энг йирик ва иқтисодий салоҳиятга эга тижорат банкларида бири сифатида фаол иштирок этмоқда.

Республикадаги ички инвестиция, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнларидаги кенг иштироки банкнинг капиталлашув даражасини барқарор ошириб бориш ва қимматли қўғозлар бозорини янада такомиллаштириш учун катта имкониятлар яратмоқда. 2007 йил 31 декабрь ҳолатига банкнинг жами қимматли қўғозларга инвестиция портфели 7 миллиард 159,7 миллион сўмни ташкил этди. Корпоратив акцияларга йўналтирилган инвестициялар микдори 5 миллиард 830,6 миллион сўмни ташкил этиб, ҳисобот йилида 33 фоизга ўсди.

Мамлакат Президентининг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориди белгиланган беришга устувор вазифаларни оғишмай бажариш ҳамда банк капитали ва ресурс базасини янада кўпайтириш мақсадида банк акциядорларининг 2007 йил 17 октябрда ўтказилган навбатдан ташқари Умумий йиғилишида банкнинг эълон қилинган устав капитални 100 миллиард сўмни ташкил этиши тўғрисида қарор қабул қилинди.

«Пахта банк» акциядорлари 2007 йил давомида 8973 нафарга кўпайиб, 87 минг 43 тага етди. Уларнинг 20 минг 628 нафари юридик ва 66 минг 415 нафари жисмоний шахс ҳамда хусусий тадбиркорлардир.

2007 йилда «Тошкент» республика фонд биржаси савдоларида банкнинг 001-брокерлик идораси фаол иштирок этиб, банк акциялари билан 6 миллиард 840 миллион сўмлик олди-сотида битимларини амалга оширди ва битимлар ҳажмининг аввалги йилдагига нисбатан 6 миллиард 800 миллион сўмга кўпайишини таъминлади.

Қимматли қўғозлар бозоридagi брокерлик хизматларидан ташқари банк ўзининг шўбба корхонаси «Paxta-Servis» депозитарий орқали депозитлар ҳамда акциядорлар реестрини юритиш ва қимматли қўғозлар билан биржадан ташқари битимларини рўйхатдан ўтказиш бўйича малакали хизмат кўрсатмоқда. «Paxta-Servis» депозитарийсида 59 та эмитентнинг 25,4 миллиард сўмлик қимматли қўғозлари сақланмоқда ҳамда акциядорлик жамятларининг реестри юритилмоқда.

ХУЛОСА: Мамлакатнинг энг йирик тижорат банкларида бири бўлган «Пахта банк» сўнги йилларда барқарор ривожланиб бораётган молия бозорида ўзининг иқтисодий салоҳиятини тобора мустаҳкамлаб, республика халқ ҳўжалиги, айниқса, унинг асосий тармоғи бўлган қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги таркибий-ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада жадаллаштириш ва чуқурлаштиришга салмоқли ҳисса қўлиш мақсадида мавжуд барча қўч ва имкониятларини ишга солаётди.



«Пахта банк»:

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ЎСИБ БОРМОҚДА

«ПАХТА БАНК» — 2007 йилда мамлакатимизда тижорат банклари орасида биринчи бўлиб, Fitch Ratings халқаро рейтинг компаниясининг тўлиқ тоифадаги «Барқарор» рейтингига сазовор бўлди. Шу билан бирга у жаҳонга машҳур «The Banker» журнали ўтказган танлов натижасига кўра, «Ўзбекистонда энг яхши банк», деб эътироф этилди ва «Йил банки — 2007» сертификатини ҳам қўлга киритди.



Президентимизнинг 2007 йил 12 июлда эълон қилинган «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муносабати билан тижорат банкларининг инвестиция жараёнларида фаол қатнашиш имкониятлари янада кенгайди. «Пахта банк» давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори ижросига узокни қўллаб, ўзига хос тарзда ёндашди. Эндилкида банк мева-сабзавот ҳамда қорвақиллик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантиришга мўлжалланган муҳим инвестиция лойиҳаларини ҳар томонлама ўрганиб, танлаб олиб, уларни лозим даражада молиялаштиришда.

Ҳисобот йилида банк яна бир муҳим масалага алоҳида эътибор қаратди. Қишлоқ ҳўжалигини кенг қўламда молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида чет эл кредит йўналишлари ушбу жараёнга фаол жалб этилди. Чунинчи, 2007 йилнинг инвестиция дастури доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкнинг «Қишлоқ ҳўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш», Осиё тараққиёт банкнинг «Дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш» ва «Аму-Занг машина канали тизимини тиклаш» лойиҳалари иштирокда қишлоқ ҳўжалик корхоналари, шунингдек, уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга кредитлар ажратилмоқда. Жумладан, республика Молия вазирлиги, ижроочи Агентликлари ҳамда «Пахта банк» ўртасида тузилган 25 млн. 681 минг АҚШ долларлик қайта кредитлаш шартномаларига асосан ҳисобот даврида 5 млн. 525 минг АҚШ доллари микдоридagi маблағ ўзлаштирилди. Кредит олган 193 мижоз жами 327 та қишлоқ ҳўжалик техникаси ва агрегатлари, шу жумладан, Германиянинг «Класс» компанияси ишлаб чиқарган 7 та «Доминатор-130» русумли дон комбайни ва 7 та «Хитачи» япон экскаваторларини харид қилишди.

Бундан ташқари «Пахта банк» 2008 йилга мўлжалланган инвестиция дастурининг ижросига салмоқли ҳисса қўлиш мақса-

жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, зарур шарт-шароит ва қўлайликлар яратиш, турли имтиёзлар беришга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Мамлакат келахатини ўйлаб амалга оширишга бошланган ушбу яхши ишларнинг тез фурсатда кенг қўламда авж олишида, одатдагидек, тижорат банклари ҳал қилувчи қўч бўлиб майдонга чиқди. Хусусан, «Пахта банк» мавжуд маблағларини иқтисодиётнинг реал секторлари, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўпроқ йўналтиришга ва шу орқали аҳоли учун зарур бўлган истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи минитехнологияларни сотиб олиш, маҳсулот ва хизматлар турини кўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш фаолиятига устуворлик берди. Бундай йўналиш тез орада ўз самарасини кўрсатди.

Биргина 2007 йилнинг ўзида кичик бизнес субъектлари 3084 тага кўпайиб, жами 114 минг 886 тага етди. Уларга йил давомида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан режадаги 17 млрд. 842,9 млн. сўм ўнғига амалда 30 млрд. 232,7 млн. сўм кредит ажратилди ёки режа 169 фоиз қилиб бажарилди.

Ҳисобот йилида кичик бизнес субъектларининг 18 мингдан зиёд лойиҳасини молиялаштиришга 41 млрд. 477,8 млн. сўм кредит берилди. Уларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг умумий микдори 2007 йил бошидагига нисбатан 47 фоизга ўсди.

Шунингдек, 2007 йил фермер ҳўжаликлари ҳамда кичик бизнес субъектларига ажратилаётган микрокредитлар ҳажмининг кескин ошганлиги билан ҳам алоҳида из қолдирди. Яъни берилган микрокредитлар 2007 йил 31 декабрь ҳолатига 29 млрд. 751,7 млн. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йил бошидагига нисбатан 54 фоиз кўпдир.

Банк филиалларининг жойлардаги тадбиркор ва кичик бизнес корхоналарига ажратган кредитлари ҳисобига очилган янги иш ўринлари ўтган йил давомида 26 минг 133 тага кўпайди ёки аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 4666 тага



